

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ



**«ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ
МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»**

Халқаро илмий мақолалар тўплами

**«МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА
БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»**

Сборник международных научных статей

**«MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN
IN THE WORLD CIVILIZATION»**

Collection of international scientific articles

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ**

**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ**

**ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ
МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»**

Халқаро ажуман илмий мақолалар тўплами

**«МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА
БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»**

Сборник международных научных статей

**«MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN
IN THE WORLD CIVILIZATION»**

Collection of international scientific articles

**ТОШКЕНТ
“SHAFOAT NUR FAYZ”
2024**

УЎК 821. 512. 133-1
ББК 84(5Ў)-5
А 82

Масъул мухаррир:
т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

Такризчилар:
т.ф.д.доцент Т.Р.Пардаев, т.ф.д.доцент Х.Холмўминов, т.ф.д.доцент М.Файзуллаева,
т.ф.б.ф.д (PhJ) Ш.Абдулоев, т.ф.б.ф.д (PhJ) О.Дуланов, т.ф.б.ф.д (PhJ) И.Қаршиев, т.ф.б.ф.д
(PhJ) Г.Ахмедова, т.ф.б.ф.д (PhJ) С.Раджабова, т.ф.б.ф.д (PhJ) И.Умаров, т.ф.б.ф.д (PhJ)
М.Эргашев, т.ф.б.ф.д(PhJ) Ф.Холманова.

Котибият аъзолари:
ТерДУ ўқитувчилари, М.Раҳмонов, М.Раимов.

Тех котиба:
Кўшокова Мохигул Турсуновна

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2024 йил 1-7 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги №-59 рақамли баённомаси асосида Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш марказида 2024 йил 7-май куни «Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти» халқаро илмий анжумани Термиз шаҳрида ўтказилди.

На основании протокола № 59 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года фольклорный праздник «Бойсун баҳори» 1-7 мая 2024 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области, Сурхандарьинский центр науки и Развитие технологий 7 мая 2024 года в активистском зале города Термез прошла международная научная конференция «Бойсунский материал в мировой цивилизации и духовной культуре».

On the basis of the protocol No. 59 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2022 “Boysun bahori” folk festival on May 1-7, 2024 in Boysun district of Surkhandarya region, Surkhandarya Center for Science and Technology Development On May 7, 2024, an international scientific conference “Boysun material in world civilization and spiritual culture” was held in the activist hall of the city of Termez.

ISBN-978-9910-9483-4-3

© “Shafolat Nur Fayz”, 2024.

2016 йил 14 октябрда Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан №-268п –сонли рўйхатдан ўтказилган Термиз давлат университети ҳузуридаги Нодавлат Нотижорат ташкилоти “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази”нинг асосий мақсади: Сурхондарё вилоятининг аниқ ва табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эришилаётган ютуқларини умумлаштириш, уларни мамлакатимизнинг тараққий этиши ва юксалишига йўналтириш, шунингдек, экологик муаммоларни ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш, халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятини ўрганиш, тиклаш ва янада бойитиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёшларнинг ушбу соҳалар билан боғлиқ таълим ва тарбия борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни амалга ошириш, илмий журналлар ташкил этади. **Марказ ўз навбатида, фундаментал, амалий-техник, табиий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш асосида аниқ ва табиий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-техник соҳадаги фанларга оид мавзулар асосида монографиялар, рисоалар, буклетлар, халқаро ва республика миқёсида илмий анжуманлар, илмий журналларда илмий-оммабоп мақолалар чоп этиш ва иқтидорли ёшларга кўмаклашиш ва илмий йўналишда меҳнат бандлиги масаласига амалий ёрдам беради.**

Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази 2016 йилдан бошлаб “Давр, замон, шахс” илмий мақолалар тўплами чоп этилади. Ушбу илмий тўпламга ЎзР ФАнинг илмий тадқиқот институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлиари, академик лицей профессор-ўқитувчилари ва талабалари, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг Ўзбекистоннинг тарихи, илк давлатчилик босқичлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти, фан ва техника тараққиёти, ёшлар сиёсатига бағишланган илмий, илмий-услубий мақолалари киритилади. **«ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»** мавзусига оид халқаро анжуман илмий мақолалари Республиканинг ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эришилаётган ютуқларини умумлаштириш, уларни мамлакатимизнинг тараққий этиши ва юксалишига йўналтириш, шунингдек, экологик муаммоларни ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш, халқимиз тарихи, маданияти ва маънавиятини ўрганиш, тиклаш ва янада бойитиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёшларнинг ушбу соҳалар билан боғлиқ таълим ва тарбия борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга тадқиқотларни натижаларни ўз ичига олади.

Ушбу илмий мақолалар тўпламга ЎзР ФАнинг илмий тадқиқот институтлари, Олий таълим, фвн ва инновация вазирлигининг олий ўқув юртлиари, академик лицейларнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари,

умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг Ўзбекистоннинг тарихи, илк давлатчилик босқичлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ҳаёти, археология ва этнография соҳаси, фан ва техника тараққиёти, ёшлар сиёсатига бағишланган илмий мақолалари киритилди.

Мазкур тўплам Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедрасининг 2024 йил 27 апрелдаги йиғилишида ҳамда “Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш Маркази”нинг 2024 йил 29 апрелдаги № 4-сонли йиғилишида ушбу халқаро тўплам муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди.

эгалланиши) / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Исмоли Бекжон, Дилором Сангилова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 219; 214.

5. *Ҳамроев У. Муҳаммад Амин ва унинг «Муҳит ут таворих» асари.* Дисс. фан номзоди. – Тошкент: 1970. – Б. 98.

6. *Хожа Самандар Термизий.* Дастур ул –мулук. Тўлдирилган иккинчи нашри / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ж.Эсонов. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 351 б.

БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚОЗИЛАРНИ ТАЙИНЛАШ МЕЗОНИ ВА САРПОИ УДУМЛАРИ

Исмат Нусратиллоевич Наимов

Бухоро давлат университети
“Археология ва Бухоро тарихи”
кафедраси доценти, т.ф.ф.д., (PhD)

Аннотация: Бухоро азалдан кўхна тамаддун марказларидан бири бўлиб, бу қадим шаҳарда жаҳон илм-фан тараққиёти билан биргаликда жамиятда адолатни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган атоқли қозилар ҳам етишиб чиққан.

Калит сўзлар: “қазо”дан олинган бўлиб, луғавий маъноси “кесиш”, “ажратилиш” ва “ҳукм қилиш”.

Аннотация: Бухара с незапамятных времен была одним из центров древней цивилизации, вместе с развитием мировой науки, в этом древнем городе выросли знаменитые судьи, внесшие должный вклад в обеспечение справедливости в обществе.

Ключевые слова: происходит от слова «каза», что буквально означает «резать», «разделять» и «судить».

Abstract: Bukhara has been one of the centers of ancient civilization since time immemorial. In this ancient city, together with the development of world science, famous judges who made their due contribution to ensuring justice in the society have grown up in this ancient city.

Key words: Derived from «qaza» which literally means «to cut», «to separate» and «to judge».

Бухорода қозикалонлик қилиб донг таратган, ўзларининг илму маърифати ва адолати билан намуна кўрсатган етти нафар қози ўтганлиги ҳам маълум.

VII асрдан бошлаб шаклланиб келган ислом шариати қоидалари ўз ҳудудида Сурхон воҳаси ўрин олган Бухоро амирлиги даврида (1756-1920 йй.) ҳам давлат ва жамият ҳаётини тартибга солувчи меъёрлар тўплами бўлиб хизмат қилди. Амирликда махсус ва алоҳида бош қомус яратилмаган бўлса-да, Куръони карим асосий қонун сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги масалаларни ҳал этишда бирламчи манба сифатида хизмат қилди. Шунингдек, фикҳ илмларни ўзида ифодалаган уламоларнинг асарлари ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида учрайдиган турли масалалар хусусида шариатнинг тутган

Ўрнини белгилаб берувчи илм сифатида хизмат қилган ва барча мусулмон давлатларида бўлгани каби Бухоро амирлигида уларга қатъий риюя этишга ҳаракат қилинган. Бухоро амирлигида давлат мансабдорларини лавозимга тайёрлаш бўйича ягона тизим бўлмаса-да, амирнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳамда салтанатда тинчлик ва адолатни қарор топтиришга масъул бўлган қозиларни тайёрлаш ва уларни тайишлаш масаларига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, давлатчиликнинг расмий анъаналаридан бири бу мансабдорларнинг лавозимни бажаришга киришишдан олдин “сарпой” қабул қилиш ва “тортиқ”лар инъом этишдан иборат бўлиб, улар ўзига хос тартибда амалга оширилган. Қуйида мана шу давлатчилик удумларининг қозиларни тайинлаш мисолидаги кўриниши таҳлил этишга ҳаракат қилинади.

Маълумки, қози лавозими ислом ҳуқуқшунослигидаги ўзига хос ҳурматли мансаблардан бири саналган. Қози сўзи араб тилидаги “қазо”дан олинган бўлиб, луғавий маъноси “*кесиш*”, “*ажратиш*” ва “*ҳукм қилиш*” деган маъноларини англатади. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра, ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни кесиш “қазо” деб юритилган. Замонавий тадқиқотларда “қозилик” деганда – маҳкама, яъни “суд” муассасаси тушунилади [8, Б. 140].

Бухоро амирлигида қозиларни тайёрлашда узоқ вақт талаб этилган. Деярли 18-20 йил давом этган мадраса (олий таълим даргоҳи) таълимидаги ўқув дастурларини (ўқув дастурлари сони 136 та бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида китобдан иборат бўлган) тўлиқ ва муваффақиятли ўзлаштирган талаба, кейинчалик, ўз ҳаётий тажрибасини ошириш натижасида қози лавозимига тайинланиш имкониятига эга бўлган. Бунинг учун қозиликка даъвогар шахс машаққатли босқичларни босиб ўтилиши лозим эди. Қозилар даставвал, мирза ва мулозим амалларида меҳнат қилиб, қозилик маҳкамаси фаолияти билан чуқур танишиши ва фикҳ илмини амалда қўлланилишини билиши керак бўлган.

XIX аср иккинчи ярмига қадар Бухорода мавжуд бўлган мадрасаларнинг ҳар бирида *илми арабий*, *илми шаръий* ва *илми ҳакимий* йўналишлари бўйича таълим берилиши йўлга қуйилган бўлиб, айнан қозилар тайёрлайдиган махсус мадраса бўлмаган. Бироқ, энг олий тоифадаги нуфузли олий ўқув даргоҳлари ҳисобланган 114 хужрали Мир Араб ва “Кокилаи хурд” гузарида жойлашган 150 хужрадан иборат Кўкалтош (Одатда “Кўкалдош” деб юритилади. Манбаларда эса “Кўкалтош” шаклида учрайди) мадрасалари қозилар тайёрлашда етакчилик қилишган. Кўкалтош (Кўкалтош мадрасаси шайбоний ҳукмдор Абдуллахон даврида ҳижрий 976 йили (1568-1569) Қулбобо Кўкалдош томонидан қурилган. У саройда олий мансаблардан бири кўкалдошлик лавозимида фаолият юритган. Қадимда туркийлар бошқа онадан туғилиб, аммо бир онани эмган икки гўдакни кўкалдош, яъни эмизикдош деб аташган.) мадрасаси Бухоронинг ўзига хос Фанлар академияси ҳисобланар эди. Бухорода илм ва таълим-тарбия тизимининг энг олий тоифадаги олимлари – охунд, аълам, муфтилар бирор масалани ҳал этишмоқчи бўлса, одатда ушбу мадрасага йиғилишарди [4, Б. 310].

Бухоро амирлигида қозиликка даъвогарларга давлатнинг бошқа мансабларга қўйиладиган шартлардан фарқли ўлароқ алоҳида талаблар ва

мезонлар қўйилган. Қози бўлиш учун маълум ёш чегараси аниқ белгиланмаган бўлса-да, фақиҳлар ёш ўспиринларни қозиликка муносиб кўрмаган. Уларнинг фикрича, ўспирин йигит шахват сабабидан заифа (аёл-қиз) низоланувчиларга ён бериб қўйиши эҳтимолга яқин бўлган. Шу билан бирга, қози лавозимига мусулмон бўлмаган шахслар, куллар ва чўрилар, тухматчиликда айбланган шахслар, оғир жиноят содир этганлар, вояга етмаганлар ҳамда аёллар номзод бўла олмаган.

Қози лавозимига даъвогар шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак эди:

- мусулмон эркак киши ва насл-насабининг тозалиги;
- вояга етган озод (бу ўринда бировнинг ҳукми асосида фаолият юритмаган киши назарда тутилган) шахс ёхуд муомалага лаёқатли ҳамда ақли расо ва фаҳмли бўлиш;
- жисмоний нуқсонлардан холи бўлган ҳар томонлама етук ҳамда никоҳ қурган шахс;
- араб, форс тили ва фикҳ илмини мукаммал эгаллаган, шунингдек, маълум бир ҳаётий тажрибага эга бўлиб, миллий-маҳаллий урф-одат ва қадриятларни яхши билган киши (ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, қозидан “илмул яқийн” (қуйи илмий даража, кўп фанлардан хабардор маъносида) ёки “айнул яқийн” (юқори илмий даража, қомусий олим маъносида) мақомидаги илмий даража талаб қилинмаган, бироқ диний унвон бўлиши устунликка эга бўлган);
- шахснинг дахлсизлиги ёки тухмат билан ҳад (жисмоний тан жазоси) урилмаган киши бўлиши.

Юқоридаги талаблар билан бирга Бухоро амирлигида қозиликка талабгор Қуръони карим кўрсатмаларини, Ҳадиси шарифда келган ҳукмларни билиши ва ҳаётда амалий татбиқ эта олиши, Бухоро ёки Самарқанддаги бирор машҳур мадрасани тугатган бўлиши ҳамда Қуръонда келган 500 та ва ҳадисларда келтирилган 2000 дан ортиқ ҳукмларни ёддан билиши талаб этилган [5, Б. 69].

Ўша давр давлатчилик одатларига кўра, Бухоро қозикалони ва беклик қозиси шахсан амир томонидан мансаб вазифалари ва мажбуриятлари тасдиқланган махсус ёрлик билан тайинланиб, бунинг рамзий белгиси сифатида шойи-ипакдан тикилган бир бош “сарпои” (бошдан оёқ тўн либос жамланмаси) тухфа этилган. Расмий давлатчилик анъанаси бўйича қозикалон амир даргоҳи томонидан тайёрланган шоҳона сарпои билан пойтахт Бухоронинг марказий кўчаларини тантанали равишда кесиб ўтиши ва лавозимга киришаётганлиги муносабати билан ўзини таништириши керак бўлган. Беклик қозилари эса амирнинг ваколатли вакили (одатда бундай масъулиятли вазифа “Нақиб” мансабини эгаллаган амалдорга ишониб топширилган) орқали жўнатилган ёрлик ва сарпоини мамнуният билан қабул қилгач, буни беклик ҳокимига маълум қилиш мақсадида унга ўнта тўн ва битта от-улов ҳадя этиб, ўз лавозимини бажаришга киришган [7, С. 65].

Бироқ, мазкур норасмий анъанага ҳижрий 1327 йил муҳаррам ойининг еттинчи (1910 йил 24 декабрь) кунида тахтга ўтирган Амир Саййид Олимхон чек қўяди. Хусусан, 1910 йил 29 декабрда Арки олийда йиғилган уламо, умаро, аъёнлар ва Россия сиёсий айғоқчилигининг вакилларидан иборат

“*жулус*” (тахтга ўтириш маросими) мажлисида мирзо Низомиддин Урганжий амирнинг биринчи ислохот фармонини ўқиб эшиттиради. Тўрт банддан иборат мазкур фармоннинг 1-бандида шундай баён этилган эди: “Биз халқнинг осойиш ва тинчлигини самимона бир суратда истаймиз, раиянинг саодати ва юртнинг ободлиги йўлига Тангри таолонинг ёрдами билан чолишамиз. Мундан бурун қозилар йилда неча қатла амирга тортиқ ва дарбир аҳлига туҳфа юборишлари расм эди. Мундан сўнгра бу одат қатъиян мамнуъдир. Қозилар ушбу мусорифдан қутулганларидан кейин халқнинг ҳолига тараххум (рахм, ғамхўрлик) қилиб *хутут* (хат), *ибро* (гуноҳдан кечмоқ, оқламоқ бўлиб, матнда оқлов хати маъносида келган) ва *васиқа* (мулкка – ер-сув ва хўжалик биноларига доимий ёки вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи хужжат)лардан тортиқ талаб қилмасинлар. Аларнинг мулозимлари ҳам фарсах пули (ҳар бир тош йўли учун уч ярим танга)дан ортиқ олмасинлар. Ҳар кимса ушбу ҳукмдан бош тортса, ясама жазога учрағувсидир...” [1, Б. 225]. Шунингдек, мазкур фармон билан барча беклар, қозилар, закотчи ва раисларга меҳмондорчиликка бориш (ҳатто ўз яқинлариникига ҳам) таъқиқлаб қўйилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қозиларнинг аҳоли билан муносабатлари доимий равишда эътиборда бўлган. Албатта салбий одат тусига кирган “*тортиқ қилиш*” анъанаси, авваламбор, оддий фуқаролар бўйнига тушарди, бу эса уларнинг ҳукуматга нисбатан норозилигини оширарди. Тахтга эндигина ўтирган Амир Саййид Олимхон эса, аҳолининг моддий аҳволини оғирлаштирувчи мана шундай салбий одатлардан яхши хабардор бўлганлиги сабабли, ўз ислохотларини даставвал суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солишдан бошлайди.

Шунингдек, 1910 йилда тахтга ўтирган Амир Саййид Олимхон узоқ вақт амалда бўлган қозилар хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорини аҳоли моддий аҳволини эътиборга олган ҳолда камайтириш тўғрисида махсус биринчи фармонни эълон қилган. Фармонга кўра, жиноятчи ва гувоҳдан маҳкама харажатлари учун алоҳида ундириладиган “*такса*” (мазкур тўлов тури беклар ва қозиларнинг асосий даромад манбаси бўлиб, қозига мурожаат қилган ҳар икки томон (даъвогар ва жавобгар) ҳам бекнинг кўрсатмасида белгиланган тартибда тўлаши лозим бўлган хизмат ҳақи ҳисобланган) солиғи 3 танга қилиб белгилаб қўйилган. Худди шу даврда Бухорода суд ишини кўриб чиққан қози мурофаа (суд жараёни) харажатлари учун миждан 3 танга ўрнига 25 танга ундирганлиги сабабли қозикалон буйруғи билан қаттиқ танбех берилиб, лавозимидан бўшатишган [11].

Олимхон (ҳукмронлик даври: 1910-1920) Амир Шоҳмурод (ҳукмронлик даври: 1785-1800) даврида жорий этилган ва Абдулаҳад замонида келиб эса унутилган “*Қозиларнинг ҳайъат кенгаши*” фаолиятини ҳам қайта тиклайди. Анъанага кўра амир саройида ташкил этилган ушбу кенгаш ҳар ой боши билан ўтказилиб, қози ва раислар тугалланган бир ой ичида ҳал этилмаган даъво, низолар ёки ҳукмдан норози бўлган фуқароларнинг ишларини муҳокама этганлар. Қозикалон раислигида, аълам (*Аълам* – араб тилидан “билағон”, “энг олим” маъноларини ифодалайди. Диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи амалдор.) ҳамда 12 нафар муфти (қозига ҳуқуқий маслаҳат берувчи амалдор) кенгашиб, уч кун ичида амирнинг раёсати остида бутун

қозиларнинг амалиётдаги муаммолари ҳал этилиши йўлга қўйилади [3, Б. 48]. Олимхон Қозилар кенгаши фаолияти учун Арк кўрғонидаги мадрасани бўшатиб, уч кун муддатда кутубхонасидаги фикҳ китобларидан истифода этишлари ва воқеъ бўлган даъволарга доир ишончли ҳамда далилланган фатволарни излаб топишларига шароит яратиб беради [2, б. 79].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлиги давлатчилик тизимида ўзига хос расмий анъана сифатида ўрин эгаллаган қозиларни тайинлаш мезон ва уларни лавозимга киришиш бўйича “сарпои” ва “тортиқ” удумлари ўз даври учун амалдорларнинг мавқеъи ва салобатидан дарак берар эди. Бундай давлатчилик удумлари ҳатто марказ Бухорода алоҳида кўтаринки руҳ ва байрам кайфиятини аҳолига улашиб, давлат амалдорларини фуқароларга яқиндан танитиш ва ахборот тарқатиш воситасига ҳам эга эди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Айний С. Асарлар / Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Саккиз томлик. Том 1. – Тошкент: “Бадий адабиёт” нашриёти, 1963. – 256 б.

2. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар (Назир Тўрақул ўғлининг сўз бошиси билан). – Москва: СССР халқларининг марказий нашриёти, 1926. – Б. 79.

3. Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи (XVIII аср ўрталари – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари И.Наимов. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023. – 188 б.

4. Жуманазаров А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: Akadem-nashr, 2017. – 592 б.

5. Мирзаев Н. қози лавозими ва унинг одоби ҳақида ёзилган асарлар таҳлили // “Infolib”. №2, 2019.

6. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври / [Тож. Ҳ.Қудратиллаев ўзбеклаштирган; Сўнг сўз Муҳиддиновники]. – Тошкент: “Минҳож”, 1991. – 64.

7. Фридрихъ Н. Бухара / Этнографический очеркъ. – С-Петербургъ: Издательство О.Н. Поповой, 1910. – 80 с.

8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент: “Шарқ”, 2022. – 312 б.

9. Шубинский П. Очерки Бухары // “Исторический вестник” (Петербург). №10, 1892. – С. 124-126.

10. Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1752-иш, 2-варақ.

11. Ўзбекистон МА. И-1-фонд, 31-рўйхат, 735-иш, 23-варақ.

БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚОЗИЛАРНИ ТАЙИНЛАШ МЕЗОНИ ВА САРПОИ УДУМЛАРИ	852
ТЕРМИЗЛИК ШОИРЛАРНИНГ ДУНЁ ФОНДЛАРИДАГИ АСАРЛАРИ ТАСНИФИ	857
АН'АНАВИЙ ТО'ҚИМАЧИЛИКДА УСТА-SHOGIRD MUNOSABATLARI.....	860
GLOBALLASHUV VA MA'NAVIY BEGONALASHUV MUAMMOLARI.....	863
О'ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TASHQI SIYOSATIDA JANUBIY OSIYO DAVLATLARI (Hindiston misolida).....	867
О'ЗБЕКISTON VA HINDISTONNING INVESTETSIYAVIY HAMKORLIGI	870
MILLIY MA'NAVIYATIMIZNING TAKOMIL BOSQICHLARI	872
XORIJ MUZEYLARIDA SAQLANAYOTGAN TEMURIYLAR DAVRIGA OID TARIXIY VA MADANIY YODGORLIKLAR.....	877
YAPON AYOLLARINING BOYSUNLIK USTOZI	881
СОВЕТ ДАВРИ БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.	888
ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	892
ISLOMGACHA BO'LGAN DAVRDA DAFN MAROSIMLARINING KONSERVATIVLIK XUSUSIYATI VA UNING KEYINGI TRANSFORMATSION JARAYONLARGA TA'SIRI.	897

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРАИ МАРКАЗИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ. ННТ

ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА БОЙСУННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ»

Халқаро илмий мақолалар тўплами

«МАТЕРИАЛЬНАЯ И ДУХОВНАЯ КУЛЬТУРА БАЙСУНА В МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ»

Сборник международных научных статей

«MATERIAL AND SPIRITUAL CULTURE OF BAYSUN IN THE WORLD CIVILIZATION»

Collection of international scientific articles

Мухаррир *Д. Усмонова*
Бадий мухаррир *У. Воҳидов*
Техник мухаррир *У. Воҳидов*
Мусаххих *Ш. Дўстназарова*
Саҳифаловчи *М. Фозилов*

Нашриёт лицензияси. № 3991
Босишга 07. 05. 2024 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108/32. Ҳажми 6,75 б, т. Адади 100 нусха.
Шартнома № 52. Буюртма № 37.

“Adad Plyus” МЧЖ босмаҳонаси.
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28-уй.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги "Бойсун баҳори" фольклор фестивалини 2024 йил 1-7 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги №-59 рақамли баённомаси асосида Сурхондарё фан ва технологияларни ривожлантириш марказида 2024 йил 7-май куни «Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти» халқаро илмий анжумани Термиз шаҳрида ўтказилди.

На основании протокола № 59 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года фольклорный праздник «Бойсун баҳори» 1-7 мая 2024 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области, Сурхандарьинский центр науки и Развития технологий 7 мая 2024 года в активистском зале города Термез прошла международная научная конференция «Бойсунский материал в мировой цивилизации и духовной культуре».

On the basis of the protocol No. 59 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2022 "Boysun bahori" folk festival on May 1-7, 2024 in Boysun district of Surkhandarya region, Surkhandarya Center for Science and Technology Development On May 7, 2024, an international scientific conference "Boysun material in world civilization and spiritual culture" was held in the activist hall of the city of Termez.